



Ўзбекистон Республикаси номидан
ҚИЛУВ ҚАРОРИ

2023 йил 14 март

Иштон шаҳар

4-1403-2301/140-сонли иш

Иштихон туманлараро иқтисодий суди раиси Н.Умаров раислигида, Ў.Ҳайтова котиблигида, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармасини даъвогар «[REDACTED]» АЖ нинг манфаатида жавобгар «МСД» фермер хўжалиги ва қўшимча жавобгар «ЧСД» МЧЖга нисбатан берган даъво аризаси бўйича қўзғатилган иқтисодий ишни Иштихон туманлараро иқтисодий суди биносида, очиқ суд мажлисида, даъвогар вакили [REDACTED] (2023 йил 04 январь кунги 20-05/24-сонли ишончнома асосида) ва жавобгар вакили [REDACTED] (ишончномасиз) иштирокида кўриб чиқиб, қуйидагиларни-

А Н И Қ Л А Д И :

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси «[REDACTED]» АЖ манфаатида Иштихон туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси билан мурожаат этиб, жавобгар «МСД» фермер хўжалигидан даъвогар фойдасига 120 138 335 сўм кредит фоиз қарздорлигини ундиришни, ундирувни қўшимча жавобгар «ЧСД» МЧЖга тегишли бўлган гаровдаги мол-мулкка қаратишни сўраган.

Даъво аризада баён қилинишича, «[REDACTED]» АЖ Афросиёб филиали ва «МСД» фермер хўжалиги ўртасида 17.03.2017 йилда тузилган 312-сонли кредит шартномасига асосан, янги узумзор ташкил қилиш учун, бетон симёғоч, электр узатгичлар, сув сақлаш учун метал бочкалар сотиб олиш ва артезан қазилма мақсадида, 36 ой имтиёзли давр билан 84 ой муддатга, йиллик 9 фоиз устама тўлаш шарти билан 490 000 000 сўм миқдорида кредит ажратилганлиги ва кредитни қайтариш графиги ҳам тасдиқланганлиги, бироқ қарз олувчи шартномада кўрсатилган муддатларда кредит ва кредит фоизларини тўлаш мажбуриятларини бажармай келаётганлиги сабабли, хўжаликнинг банкдан бўлган жами кредит қарздорлиги 2022 йил 28 июнь ҳолатига 288 000 000 сўм муддатли асосий қарзни, 15 670 335.59 сўм муддатли фоиз қарзни, 95 999 041 сўм муддати ўтган асосий қарзни, 8 027 098 сўм муддати ўтган асосий қарзга ҳисобланган фоизни ва 14 559 914 сўм муддати ўтган фоизни ёки жами бўлиб 422 256 407.79 сўм кредит қарздорлигини ташкил этганлиги, ушбу кредит қарздорлигини жавобгарлар «МСД» фермер хўжалиги ва «Тепакўрғон замини» фермер хўжалигидан солидардан тартибда тўлиқ ундириб бериш ва ундирувни қўшимча жавобгар «ЧСД» МЧЖга тегишли бўлган гаровдаги мол-мулкка қаратиш сўраб Иштихон туманлараро иқтисодий судига даъво ариза киритилганлиги, сднинг 18.07.2022 йилдаги 4-1403-2201/364-сон ҳал қилув қарори қабул қилиниб, даъво талаби тўлиқ қаноатланрилган бўлсада, аммо бугунги кунга қадар ушбу кредит қарздорликлари ёпилмаганлиги сабабли ёки 28.06.2022 йил ҳолатидан 20.01.2023 йил ҳолатига қадар ҳисобланган 120 138 335 сўмлик кредит фоизлари ҳам, яъни судга берилган қарздорликдан ташкил бўлган кейинги кредит фоизлари бугунги кунга қадар тўлаб берилмаганлиги маълум қилиниб, шу боис даъво талабини қаноатлантириш сўралган.

Суд мажлисида қатнашган даъвогар вакили судда кўрсатма бериб, «[REDACTED]» АЖ Афросиёб филиали ва «МСД» фермер хўжалиги ўртасида 17.03.2017 йилда тузилган 312-сонли кредит шартномасига асосан, янги узумзор ташкил қилиш учун,

бетон симёғоч, электр узатгичлар, сув сақлаш учун метал бочкалар сотиб олиш ва артезан қазилма мақсадида, 36 ой имтиёзли давр билан 84 ой муддатга, йиллик 9 фоиз устама тўлаш шарт билан 490 000 000 сўм миқдорида кредит ажратилганлигини, ушбу кредитни қайтариш графиги тасдиқланганлиги, бирок қарз олувчи шартномада кўрсатилган муддатларда, кредит ва кредит фоизларини тўлаш мажбуриятларини бажармай келаётганлиги сабабли, ушбу кредит қарздорлигини жавобгарлар «МСД» фермер хўжалиги ва «Тепакўрғон зами» фермер хўжалигидан солидардан тартибда тўлиқ ундириб бериш ва ундирувни қўйиш жавобгар «ЧСД» МЧЖга тегишли бўлган гаровдаги мол-мулкка қаратиш сўраб ариза туманлараро иқтисодий судига даъво ариза киритилганлигини, суднинг 18.01.2022 йилдаги 4-1403-2201/364-сон ҳал қилув қарори қабул қилиниб, даъво талаби тўлиқ қаноатланрилган бўлсада, аммо бугунги кунга қадар ушбу кредит қарздорликлари ёпилмаганлиги сабабли ёки 28.06.2022 йил ҳолатидан 20.01.2023 йил ҳолатига қадар ҳисобланган 120 138 335 сўмлик кредит фоизлари ҳам, яъни кейинги ҳисобланган кредит фоизлари ҳам бугунги кунга қадар тўлаб берилмаганлигини маълум қилиниб, шу боис даъво талабини қаноатлантириш сўради.

Суд мажлисида қатнашган жавобгар вакили, кредит қарздорлигини банкнинг бошқа кафилларидан ундиришни, уларга нисбатан берилган талабни рад этишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси ишни ўзининг иштирокисиз кўришни сўраб ариза берган.

Суд мажлисида, белгиланган тартибда хабардор қилинган жавобгар «Хушвақтов Абдихалил узумлари» фермер хўжалиги иштирок этмади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 170-моддасига кўра, ишда иштирок этувчи шахсларга суд даъво аризаси юзасидан тақдим этишни таклиф қилган ёзма фикр ёки қўшимча далиллар тақдим этилмаганлиги ишни мавжуд материаллар бўйича кўришга тўсқинлик қилмайди.

Иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган даъвогар суд мажлисига келмаса, даъвогарнинг ишни унинг йўқлигида кўриш тўғрисидаги аризаси бўлган тақдирда, низо унинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкин.

Иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар, учинчи шахслар суд мажлисига келмаса, низо уларнинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкин.

Мазкур ҳолатда суд, иш муҳокамасини жавобгар иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топди.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, «[REDACTED]» АЖ Афросиёб филиали (кейинги матнда «Банк») ва «МСД» фермер хўжалиги (кейинги матнда «Қарздор») ўртасида 17.03.2017 йилда тузилган 312-сонли кредит шартномасига асосан, янги узумзор ташкил қилиш учун, бетон симёғоч, электр узатгичлар, сув сақлаш учун метал бочкалар сотиб олиш ва артезан қазилма мақсадида, 36 ой имтиёзли давр билан 84 ой муддатга, йиллик 9 фоиз устама тўлаш шарт билан 490 000 000 сўм миқдорида кредит ажратилган ва кредитни қайтариш графиги ҳам тасдиқланган.

Шартноманинг 1.1.-бандига асосан, Қарздор кредит ва унга ҳисобланган фоизларни ҳар уч ойда, шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган тўлов графигига биноан тўлаб бориш мажбуриятини ўз зиммасига олган.

Шартноманинг 2.1.3-бандига кўра, ўз вақтида қайтарилмаган кредит учун кредит фоизи қўшимча 5 фоизга оширилиши белгилан.

Кредит таъминоти куйидагилардан иборат:

1. Бино ва иншоотлар мажмуаси эгасига берилган ҳуқуқни давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги 25.11.2011 йилдаги серия ТА №1305296-сонли гувоҳнома ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги 22.03.2014 йилдаги серияси О'У №629040 сонли гувоҳномага асосан «ЧСД» МЧЖга тегишли бўлган, Самарқанд вилояти, Иштихон тумани, Халқобод МФЙ, Чайжовул

қишлоғида жойлашган жами қурилиш ости майдони 192,0 кв.м., фойдали (ички) майдони 168.16 кв.м., фойдаланишда бўлган ер майдони 3000.0 кв.м., бта хонадан иборат АСГКШ биноси.

Юқорида кўрсатилган тузилган гаров қиммати банк ва “Қарздор” ўртасида тузилган келишув далолатномасига асосан 612 500 000 сўмга баҳоланган.

Даъвогар томонидан кредит мажбуриятлари лозим даражада бажарилган бўлиб жавобгар «МСД» фермер хўжалиги 100 000 000 сўм миқдоридан кредит ажратилган.

Бироқ, жавобгар «МСД» фермер хўжалиги шартномавий мажбуриятларни лозим даражада бажармасдан, банк олдиросий кредит қарзларини ва асосий кредит қарзига ҳисобланган фоизларни қайтаришда келтирилган шартлар асосида тўлиқ тўлаб бериш чораларини икки ва ундан ортиқ ойлар давомида кўрмаган.

Кредит шартномасида белгиланган муддатда, кредит ва кредит фоиз тўловлари тўланмаганлиги сабабли, банк қарздор ва қўшимча жавобгарлар ҳисобидан кредит ва кредит бўйича ҳисобланган кредит фоизларни мажбурий ундиришни сўраб, даъво аризаси билан судга мурожаат этган.

Суднинг 18.07.2022 йилдаги 4-1403-2201/364-сон ҳал қилув қарори қабул қилиниб, даъво талаби тўлиқ қаноатлантирилган бўлсада, аммо бугунги кунга қадар ушбу кредит қарздорликлари ёпилмаганлиги сабабли ёки 28.06.2022 йил ҳолатидан 20.01.2023 йил ҳолатига қадар ҳисобланган 120 138 335 сўмлик кредит фоизлари ҳам, яъни кейинги ҳисобланган кредит фоизлари бугунги кунга қадар тўлаб берилмаганлигини маълум бўлди.

Судга даъво ариза берилгандан кейин жавобгар томонидан, даъво талабида кўрсатилган кредит қарздорлик ёпилмаганлиги аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 236-моддасига асосан мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонунчилик талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса — иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак. Мазкур кодекснинг 279-моддасига биноан, Гаровга олувчининг (кредиторнинг) талабларини қондириш учун ундирувчи қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятни ўзи жавобгар бўлган вазиятларда бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш мумкин.

Шунингдек, ушбу Кодекснинг 735-моддасига асосан, Қарз олувчи олинган қарз суммасини қарз шартномасида назарда тутилган муддатда ва тартибда қарз берувчига қайтариши шарт.

736-моддасини иккинчи ва учинчи хат бошига кўра, агар қарз шартномасида қарзни қисмлаб (бўлиб-бўлиб) қайтариш назарда тутилган бўлса, қарз олувчи қарзнинг навбатдаги қисмини қайтариш учун белгиланган муддатни бузган тақдирда, қарз берувчи қарзнинг қолган барча суммасини тегишли фоизлар билан бирга муддатидан олдин қайтаришни талаб қилишга ҳақли.

Агар қарз шартномасида қарз бўйича фоизларни қарзнинг ўзини қайтариш муддатидан олдин тўлаш назарда тутилган бўлса, бу мажбурият бузилган тақдирда, қарз берувчи қарз олувчидан қарз суммасини тегишли фоизлари билан бирга муддатидан олдин қайтаришни талаб қилишга ҳақли.

Ва 744-моддасида, Кредит шартномаси бўйича бир тараф — банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тарафга (қарз олувчига) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш, қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади деб белгиланган.

Банк томонидан судга тақдим этилган маълумотларига кўра, судга даъво ариза киритилгандан кейин жавобгар томонидан даъво талабидаги қарздорлик сўндирилмаганлиги маълум бўлди.

Суд ишдаги ҳужжатларни ўрганиб, даъво талабини тўлиқ қаноатлантиришни, жавобгар «МСД» фермер хўжалиги ҳисобидан даъвогар фойдасига 120 138 335 сўм

кредит фоизини ундиришни, ундирувни бино ва иншоотлар мажмуаси эгасига берилган ҳуқуқни давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги 25.11.2011 йилдаги серия ТА №1305296-сонли гувоҳнома ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги 22.03.2014 йилдаги серияси ОҮ №629040 сонли гувоҳномага асосан «ЧСД» МЧЖга тегишли бўлган, Самарқанд вилояти, Иштихон тумани, Халқобод МФЙ, Чайжовул қишлоғида жойлашган жами қурилиш ости майдони 192,0 кв.м., фойдали (ички) майдони 168.16 кв.м., фойдаланишда бўлган ер майдони 3000.0 кв.м., бта хонадан иборат АСГКШ биносига қаратишни, жавобгар «МСД» фермер хўжалигидан даъвогарга қаратадиган қарзига 30 000 сўм почта харажатини ундиришни ва жавобгар «МСД» фермер хўжалигидан қарзига қаратадиган қарзига зиммасига давлат божини юклашни лозим деб ҳисоблайди.

Баён этилганлар асосида ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий Процессуал Кодексининг 118,176-179, 186-моддаларини қўллаб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

Даъво талаби тўлиқ қаноатлантирилсин.

Жавобгар «МСД» фермер хўжалиги ҳисобидан даъвогар «██████████» АЖ фойдасига 120 138 335 сўм кредит фоизи ундирилсин.

Ундирув бино ва иншоотлар мажмуаси эгасига берилган ҳуқуқни давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги 25.11.2011 йилдаги серия ТА №1305296-сонли гувоҳнома ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги 22.03.2014 йилдаги серияси ОҮ №629040 сонли гувоҳномага асосан «ЧСД» МЧЖга тегишли бўлган, Самарқанд вилояти, Иштихон тумани, Халқобод МФЙ, Чайжовул қишлоғида жойлашган жами қурилиш ости майдони 192,0 кв.м., фойдали (ички) майдони 168.16 кв.м., фойдаланишда бўлган ер майдони 3000.0 кв.м., 6 та хонадан иборат АСГКШ биносига қаратилсин.

Жавобгар «МСД» фермер хўжалиги ҳисобидан даъвогар «██████████» АЖ фойдасига олдиндан тўлаб чиқилган 30 000 сўм почта харажати ундирилсин.

Жавобгар «МСД» фермер хўжалиги ҳисобидан Республика бюджетига 2 402 766.7 сўм давлат божи ундирилсин.

Хал қилув қароридан норози томонлар бир ой муддат ичида Самарқанд вилоят судига Иштихон туманлараро иқтисодий суди орқали апелляция тартибида шикоят (протест келтириш) беришга ҳақли.

ИПК нинг 336-моддасига асосан, суд ҳужжати қонуний кучга кирганидан сўнг беш кун ичида ижро варақаси ундирувчига берилади ёки унинг илтимосномасига кўра давлат ижросисига ижро этиш учун юборилади.

Судья

Н.М.Умаров